

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАСОСЛАРИ.

Солиева Ҳилола Махамадмусаевна
Ахмаджонова Шахноза Яркиновна
Андижон вилояти Юридик техникуми
Мутахасислик фани ўқитувчилари

Аннотация: *Меҳнатга оид муносабатларда ходимларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишда вакиллик органларининг ўзига хос ўрни бор. Вакиллик органлари ичида касаба уюшмаларининг тутган ўрни жуда муҳим сабаби давлатимизда касаба уюшмалари ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг кенг тарқалган вакиллик органи ҳисобланади. Касаба уюшмалари иш берувчилар ва хокимият идораларида ҳамда судларда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Касаба уюшмалари нафақат бизнинг давлатимизда балки бошқа давлатларда ҳам ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи асосий вакиллик органи ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Вакиллик органи, касаба уюшмаси, ходимлар, меҳнат муносабатлари, меҳнат муҳофазаси, иш берувчилар, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий кафолат, аъзолик бадали, юридик шахс, меҳнат низолари.*

Меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлари томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ишониб топширадиган органни ўзлари белгилайдилар.

Барча вакиллик органлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб боради ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Корхонада бошқа вакиллик органларининг ҳам бўлиши касаба уюшмаларининг ўз вазифаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Бугунги кунда касаба уюшмалари мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларда ходимлар номидан иш кўриб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини иш берувчилар, уларнинг вакиллик органлари, марказий ва маҳаллий давлат органларида ифодалаётган асосий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Касаба уюшмалари мулкка эгалик ҳуқуқи асосида ўзларига қаршли бўлган мол-мулк ва пулларга эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар. Касаба уюшмалари давлат, хўжалик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар.

Касаба уюшмаси бюджети маблағининг манбалари, маблағни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби касаба уюшмалари уставида белгилаб берилади.

Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларнинг ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташкил этилади ҳамда ўзининг доимий ишловчи органи яъни касаба уюшмаси қўмитасига эга бўлади. Ўз органи орқали иш берувчи ва бошқа идоралар билан ўзаро алоқаларни амалга оширадilar.

Касаба уюшмаси қўмитаси касаба уюшмаси аъзоларининг умумий мажлисида сайлов йўли билан ташкил этилади.

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагиларданиборат:

- қонунийлик;
- ихтиёрийлик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш;
- тенг ҳуқуқлилик;
- ошкоралик ва очиклик.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини жамоат бирлашмаси шаклидаги юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширади.

Касаба уюшмалари бир ёки бир нечта ташкилот ходимларининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Касаба уюшмаларининг бўлинмалари, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин. Касаба уюшмалари ўз бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг, шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобини юритади.

Касаба уюшмалари адлия органларида рўйхатдан ўтказилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини ташкил этиш ташаббускорлари, шунингдек уларнинг раҳбар органлари аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Касаба уюшмасини, касаба уюшмалари бирлашмасини ташкил этиш ташаббускорлари қурултойни (конференцияни) ёки умумий йиғилишни чақиради, унда устав қабул қилинади, шунингдек раҳбар органлар тузилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс бўлган бўлинмалари ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида” ги қонунининг 20-моддасида касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг устави ҳақида қуйидагилар белгиланган:

Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг уставида қуйидагилар назарда тутилади:

номи, мақсадвавазифалари;
ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолиятқайсиҳуддоирасида амалга оширилса,
ўшаҳудуд;
бирлашаётган ходимларнинг тоифаларива касбий гуруҳлари;
касабауюшмаси,
касабауюшмалари бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш (чиқариш)
шартлари;
аъзолик бадалларини тўлаш тартиб ва уларнинг миқдорлари;
аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
тузилмаси ва раҳбар органлари, зарур бўлган тақдирда нозорат-тафтиш органлари;
касабауюшмалари органларининг ваколатива уларни шакллантириш тартиби,
уларнинг ваколатларимуддатлари,
доимий асосда фаолият кўрсатувчи раҳбар органининг жойлашганери;
пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари,
шунингдек уларни бошқариш тартиби;
аъзолар олдида ҳисобот бериш тартиб ва муддатлари;
қайтаташкил этиш ватугатиш тартиби;
уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби.
Меҳнат Кодексининг 23-моддасида ходимлар вакиллик органларининг
ҳуқуқлари кўрсатилган:
Ходимларнинг вакиллик органлари қуйидагиларга ҳақлидир:
музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг
бажарилишини текшириб туриш, иш берувчига корхонада меҳнат тўғрисида
норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш;
корхона ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб
чиқишда қатнашиш;
меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;
иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги
қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлса ёхуд ходимларнинг
ҳуқуқларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят
қилиш.
Вакиллик органлари ижтимоий-меҳнат муносабатларида ходимларнинг
манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам, башарти бу
хатти-ҳаракатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, қилишлари мумкин.
Ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши
корхонада меҳнат самарадорлигини пасайтирмаслиги, ўрнатилган тартиб ва иш
режимини бузмаслиги керак.
Ходимларнинг вакиллик органлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини амалга
оширишлари учун керакли ҳажмда ҳуқуқ ҳамда ваколатлар билан таъминланганлар.

Ходимлар вакиллик органлари корхоналарда иш берувчилар билан меҳнат шарт-шароитлари юзасидан музокаралар олиб бориш ваколатига эга бўлиб, иш берувчи анашундай музокаралар юритиш учун зарур бўлган техник, иқтисодий ва бошқа ахборотларни бериши, музокаралар учун қулай шароит яратиши лозим. Музокаралар чоғида ўзаро келишиб ҳал этиш мумкин бўлмаган ихтилофлар юз берганида улар жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш учун белгиланган тартибда ҳал этилади.

Меҳнат Кодексига кўра корхонада жамоа шартномаси тузиш ташаббуси ҳуқуқи ходимлар вакиллик органига, жумладан касаба уюшмаларига тегишли.

Ходимлар вакиллик органлари тузилажак жамоа шартномаси, жамоа келишуви мазмуни юзасидан таклифларини билдиради. Жамоа шартномаси қабул қилиниши ҳамда унинг ижро этилишининг таъминланишида фаол қатнашади.

Меҳнат Кодексига кўра ходимлар вакиллик органига корхонада тузилган жамоа шартномаси иш берувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш ваколати берилган. Бундай назорат шакл ва услублари хилма-хил бўлиб, улар ҳақида Меҳнат Кодексида ва бошқа меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган.

Ходимлар вакиллик органи корхонада муайян масалага оид локал меъёрий ҳужжат қабул қилиниши юзасидан иш берувчига таклифлар тақдим этади ҳамда уларни қабул қилиниши учун зарур чора-тадбирларни кўради.

Корхонанинг ижтимоий–иқтисодий ҳаётига таалукли бўлган, ушбу йўналишда истиқбол вазибалари белгиланишига оид қарорлар қабул қилиниши, чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида ходимлар вакиллик органи иштирок этади ва бундай иштирок этишнинг шакллари хилма-хилдир. Ушбу масалаларда биргаликда тадбирлар ишлаб чиқиш, бу ҳақда келишиб олиш кабилар шулар жумласидан саналади.

Касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилади. Жумладан:

а) Меҳнат низолари комиссияси таркибида қатнашиб, низони бевосита мазмунан кўриб ҳал этиш билан шуғулланади;

б) Судда ва бошқа органларда ходимлар вакили сифатида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

в) Ходим манфаатини кўзлаб судда даъво кўзгайди ва низони ҳал этилишида ходим манфаатлари йўлида ҳаракатлар қилади;

г) Жамоаларга доир меҳнат низолари кўриб ҳал этилишида иштирок этади.

Низо кўриб ҳал этилиши чоғида ходимлар вакиллик органининг моддий ҳуқуқий ва процессуал ваколатлари қонун ҳужжатларига кўра белгиланади.

Иш берувчи кундалик фаолияти қонунийлиги устидан тегишли назоратни амалга оширади. Хусусан, иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексига, қонун ҳужжатлари ҳамда корхона локал меъёрий ҳужжатларига зид бўлган қарорлар қабул қилишса уларни қонунга мувофиқ бўлишини таъминлашни талаб қилади. Талаб бажарилмагани ҳолда бу ҳақда судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Ходимлар вакиллик органи, жумладан, касаба уюшмаси ходимлар манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳатти-ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ходимлар вакиллик органининг фаолияти ва улар томонидан ҳуқуқларни амалга оширилиши қархонани бир маромда ишлашига, иш самарадорлигига, қархонада ўрнатилган тартиб ва қоидалар бузилишига олиб келмаслиги керак.

Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат қонун ҳужжатлари ходимлар вакиллик органида фаолият юритаётган шахслар учун қўшимча қафолатларни назарда тутди. Бундай қўшимча қафолатлар белгиланишдан мақсад – ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилгани, бу соҳада фаоллик ва ташаббус кўрсатгани учун ходимларнинг тазйиққа учрашлари ҳамда жабр кўришларига йўл қўйилмасликдан иборат.

Ходимлар вакиллик органи аъзоси сифатида фаолият юритган ҳамда қонунда белгиланган қўшимча қафолатдан фойдаланадиган ходимлар жумласига қархона касаба уюшмаси, унинг доимий комиссиялари ишида асосий меҳнат вазифасини бажаришдан озод этилмагани ҳолда (ишидан бўш пайтларида) қатнашадиган шахслар: касаба уюшмаси кўмитасининг аъзолари, ишдан озод қилинмаган раиси қиради.

Ходимларнинг вакиллик органига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ҳолда фаолият юритадиган ходимлар ишлаш жараёнида, шунингдек улар сайлаб қўйиладиган вазифаларидан бўшатирилганларидан кейин 2 йил давомида иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатирилишлари учун қархона жойлашган тумандаги ишга жойлаштиришга кўмаклашиш марказларининг олдиндан розилигини олмасдан ишдан бўшатирилишлари мумкин эмас.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 30 -моддасида, касаба уюшмалари касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ишчиларнинг манфаатларини ҳам ифода этиши мумкин.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ва касаба уюшмалари органлари орқали ҳаракат қилади. "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида" Федерал қонунига мувофиқ, бу касаба уюшмаси, касаба уюшмалари уюшмаси (бирлашмаси) уставига ёки бошланғич касаба уюшма ташкилоти тўғрисидаги низомга мувофиқ тузилган органлардир.

Касаба уюшмаси органи касаба уюшмаси вакили - касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси ташкилоти, касаба уюшмаси, касаба уюшмалари уюшмаси (бирлашмаси) раҳбари, касаба уюшмаси органи ва вакиллик қилишга ваколатли бошқа шахс бўлиши мумкин. Ташкилот ходимларининг жамоавий битим тузиш, хулоса қилиш ва ўзгартиришдаги манфаатлари жамоа шартномаси, унинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, ташкилотни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда, иш берувчилар билан ишчиларни кўриб чиқишда, касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилоти ёки ходимлар томонидан сайланган бошқа вакиллар вакили бўлиши керак. Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 31 -

моддаси касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилоти тузилмаган ёки кўпчилик ходимларни бирлаштирмаган тақдирда танланади.

Ходимларнинг шартномалар тузиш ва ўзгартириш, жамоавий меҳнат низоларини тузиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги манфаатлари битимлар, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича комиссиялар фаолиятини тузиш ва амалга оширишда тегишли касаба уюшмалари, уларнинг ҳудудий ташкилотлари, касаба уюшмалари уюшмалари ва ҳудудий ташкилотлар бирлашмалари вакиллик қилади. Ижтимоий шерикликнинг ушбу даражасидаги бошқа ишчилар вакиллари иштирок этмайди.

Касаба уюшмаси аъзоси бўлмаган ходимлар касаба уюшмаси ташкилотининг органларига иш берувчи билан муносабатларда ўз манфаатларини ифода этиш ҳуқуқини бериш ҳуқуқига эга. Амалда, ваколатлар, одатда, маълум бир ходимнинг манфаатларини таъминлаш тўғрисидаги ариза билан тегишли касаба уюшма органига мурожаат қилиш орқали ўтказилади.

Вакиллик ваколатларини бериш фақат ташкилотда амалга оширилади, бошқа даражаларда бу мумкин эмас. Россия Федерацияси Меҳнат кодекси ваколатларни вакиллик ҳуқуқига фақат жамоавий битим тузиш, хулоса қилиш ёки ўзгартириш учун ўтказиш имкониятини беради.

Ташкилотда бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлмаган тақдирда, шунингдек, ишчиларнинг ярмидан камини бирлаштирган касаба уюшмаси бўлса, умумий йиғилишда (конференцияда) ишчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ташкилотга ишониб топширишлари мумкин. Бошқа вакилнинг мавжудлиги профессионал ташкилот томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қила олмайди.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича касаба уюшмалари турли тажрибалар ўтказиши, сўровлар ва ходимлар фикрини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказиши мумкин, масалан Исландияда ўтказилган экспериментни олиш мумкин.

Исландия 2015–2019 йилларда иш вақтини қисқартириш бўйича ўтказилган иккита кенг кўламли эксперимент натижаларини сарҳисоб қилди.

Тажриба қатнашчилари қисқартирилган жадвал бўйича ишладилар: ҳафтасига 40 соат ўрнига 35–36 соат, иш ҳақи эса ўзгармай қолди. Биринчи тажрибада тахминан 2500 киши қатнашган бўлса, иккинчисида 440 киши қатнашган. Ушбу иккита тадқиқот биргаликда мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 1% дан ортиғини қамраб олган.

Муваффақиятли синовлардан сўнг Исландия касаба уюшмалари ўн минглаб ишчилар учун иш вақтини доимий равишда қисқартиришга эришдилар.

Кўпгина ҳолларда, ходимларнинг иш вақтини қисқартириш ҳатто айрим сервисларни яхшилашга ёрдам берди.

Тажрибаларда турли соҳалардаги ишчилар, жумладан болалар боғчалари, касалхоналар, ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар қатнашди.

Тадқиқот муаллифлари таъкидлашларича, ходимларнинг фаровонлиги бир неча ўлчовларда ўзгарди. Стресс даражаси камайган, соғлиқ ва ҳаёт мувозанатини яхшиланиб, ишчанлик кўтарилган. Уларнинг сўзларига кўра, тажрибалар шаҳар ёки мамлакат бюджетига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалар тўғрисида”ги қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2019 й., 03/19/588/4115-сон .
3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 441-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сонли “Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2018 й., 09/18/1066/2428-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарори.

Миллий адабиётлар

1. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномалари (контракт).Ўқувқўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1999. Б.528.
2. Иноятова А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти, 2002. Б.287.
3. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Тошкент: Молия, 2002. Б.265.
4. 5. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар. Амалий қўлланма. – Т.: “Baktriapress”, 2016. Б.384.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.ziyo.net>
4. <https://library.tsul.uz/>
5. <http://www.norma.uz>